

Фитр намозига чиқишдан олдин қилинадиган амаллар | Фикҳ дарслари (258-дарс)



19:00 / 30.11.2023 1333

Улар қуйидагилардан иборат:

1. Таом ейиш.

لَا أَقُوهُ نَعُهُ لَلَا يَضُرُّ سَنَانَعُهُ
هَلَلَا يَلَصُّ هَلَلَا لُؤْسَرَنَاكَ
مُؤَيُّو دُعَايَ أَلَمَّ لَسَوِ هَيْلَع
تَارَمَت لُكْأَيَّ تَحْرُطِفُ لَلَا
يِرَاخُبُ لَلَا هَاوَر. أَرْتَوِ نُهُ لُكْأَيَّو
نَاكَ: هَيْوَر يَفَوِ. يِذِمَّرْتَلَاو

يُتَحَرِّطُ فُلَا مَوْيُ جُرْحِي آل
مَوْيُ مَغَطِي آلَو ، مَغَطِي
يُصِي يُّتَحَرِّطُ خُضَّالَا

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Фитр куни бир неча хурмо емасдан туриб чиқмас эдилар. Тоқ ер эдилар».

Бухорий ва Термизий ривоят қилишган.

Бошқа бир ривоятда:

«Фитр куни таом емасдан олдин чиқмас эдилар. Қурбонлик куни намозни ўқиб бўлмагунча емас эдилар», дейилган.

2. Мисвок.

Ҳар бир намоз учун мисвок қилиш марғуб бўлганидек, Ийди Фитрдан олдин ҳам мисвок қилиш марғубдир.

3. Фусл қилиш.

نَا : دُعَسْ نُبِ هِكْ اِفْلَا نَع
هَلَلَا يُّلَصِ هَلَلَا لُوسَر
لَسَتْ غِي نَا كَمَلَسَوِ هِي لَع
رَحْنَلَا مَوْيُ وَرَطِ فُلَا مَوْيُ

هُلَّلَا يَضْرِبُ سَابِعَ نُبَا نَع
لُوسَرَ ضَرْفَ لِقَامُ هُنَع
هُيَلَعُ هَلَلَا يَلَصُ هَلَلَا
ةَ طَرِطِ فُلَاةَ كَزَمَلَسَو
ثَفْرَلَاوِ وَعَلَلَا نَمِ مِيَأَصَلَل
أَهَادَا نَمِ نِي كَسَمَلَلِةَ مُعْطَو
ةَ كَزِي هَفِةَ أَلَصَلَلِ لُبَق
دَعَبَ أَهَادَا نَمَوِ، ةَ لُوبُقَم
نَمِ ةَ قَدَصِي هَفِةَ أَلَصَلَا
دُوَادُ وَبَا هَاوَرِ. «تَأَقَدَّصَلَا
ةَ حَخَصَوِ مَكَاخَلَاوِ هَجَامُ نُبَاوِ

Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам фитр закотини рўзадор учун беҳуда гап-сўз ва ҳаракатлардан покланиш ва мискинлар учун таомланиш бўлсин деб фарз қилдилар. Ким уни намоздан олдин

адо қилса, у мақбул закот бўлади. Ким уни намоздан кейин адо қилса, садақалардан бири бўлади».

Абу Довуд, Ибн Можа ва Ҳоким ривоят қилишган. Ҳоким саҳиҳ, деган.

Садақаи фитрни ийддан бир неча кун олдин берса ҳам бўлади.

Ийд намозига чиқишдан олдин қилинадиган амалларнинг «Мухтасар»да зикр қилинмаганлари ҳам бор. Масалан:

7. Икки ийд кечаларини ибодат ила ўтказиш.

Бунда кечанинг ҳаммасини ёки охирги учдан бирини зикр, намоз, Қуръон тиловати, такбир, тасбеҳ, истиғфор билан ўтказилади.

هَيَلَعُ هَلَلَا يَلَّصِي بِنَلَا نَع
ةَلَيَل أَيَحْ أْنَم «: لَأَق مَلَسَو
مَل يَخْضَأَلَا ةَلَيَلَو رُطِفُ لَأ
تُؤْمَت مَوِي هُبَلَقُ تُمِي
يِنَ أَرْبَطَلَا هَأَوْر . «بُؤَلُ قُ لَأ
بِمَأْصَلَا نَبَ ةَدَابُعُ نَع

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким Фитр кечасини ва Қурбонлик кечасини (савоб умидида) бедор ўтказса, қалблар ўладиган кунда унинг қалби ўлмас», дедилар».

Имом Табароний Убода ибн Сомитдан ривоят қилган.

Икки ийд кечасида қилинган дуолар мустажобдир. Шунинг учун эртага ийд, деган кечада кўп дуо қилиш ҳаракатида бўлиш лозим.

8. Муқтадий кишилар ийд намозига виқор билан, такбир айтган ҳолларида эртароқ, пиёда борадилар. Намозга қанчалик кўп интизор бўлинса, савоби шунчалик кўп бўлади.

بِلَاطِ يَبَأُنْبِ يَلَعُ نَع
نَم: لَأَقُ هُنَعُ هَلَلَا يَضَر
دِيْعُ لَأِ لَأِ جُرْحَتْ نَأُ نَسُ لَأِ
يُذِمُّرَّتْ لَأُ هَأُور. أَي شَأَم

Али ибн Абу Толиб розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Ийдга пиёда чиқиш суннатдир».

Имом Термизий ривоят қилган.

Имом ийдга намозга етиб борадиган бўлиб чиқиши суннатдир. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам доимо шундай қилганлар.

9. Аҳли аёлга кенгчилик ва серобчиликка шароит яратиш. Нафл садақаларни имконига қараб, одатдагидан кўпроқ қилиш.

10. Кўринган ҳар бир мусулмонга хурсандчилик ва шодлик изҳор қилиш. Яқин кишиларни, ёру дўст ва аҳбобларни зиёрат қилиш.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.